Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 4 (21. 123) 1992 йил 5 январь, якшанба

Баҳоси 35 тийин.

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов қасамёд қилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасамёди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ БАЖАРИШГА КИРИШАР ЭКАНМАН, РЕСПУБЛИКАМИЗ ХАЛҚЛАРИГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШГА, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА КАФОЛАТ БЕРИШГА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШГА, ЗИММАМГА ЮКЛАНГАН ЮКСАК ВАЗИФАЛАРНИ ВИЖДОНАН БАЖАРИШГА ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН.



ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

4 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси очилди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** бошқариб борди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси **Қ. А. Аҳмедов** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги Референдум якунлари ҳақида ахборот берди.

Сўнгра **И. А. Каримов**нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришиш тантанали маросими бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда овоз бериш натижаларига доир Марказий сайлов комиссиясининг маърузаси ва баёнлар тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ Ислом Абдуғаниевич Каримов 1991 йил 31 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ ҚАРИМОВНИНГ ДАСТУРИЙ НУТҚИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг дастурий нутқини тинглаб ва муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини изчил мустаҳкамлаб бориш йўлида жорий йилда ва келгуси даврда асосий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб берилган дастурий нутқидаги қоидалар асосан маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши меҳнат жамоаларини, республиканинг бутун аҳолисини, миллати, ижтимоий аҳволи, динга муносабатидан қатъи назар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир кишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг баён этган дастурини рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларини бирлаштиришга, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни бундан буён ҳам барқарорлаштиришга, Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга ўзларининг ҳиссаларини қўшишга даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ ВА ПРОТОКОЛНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримов томонидан тақдим этилган 1991 йил 8 декабрдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисидаги битим ҳамда 1991 йил 21 декабрдаги шу битимга доир протокол ратификация қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бундан буён Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар унинг ҳудудида собиқ СССР қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган қисмлари қўлланаверади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САВДО-СОТИҚ СОҲАСИДАГИ БИТИМНИ МАЪҚУЛЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги иқтисодиёт ва савдо-сотиқ соҳасидаги битим маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Азиз дўстлар, биродарлар!

Авваламбор, сиз азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга менга билдирган ишончингиз учун самимий раҳматлар айтаман.

Мана 1992 йилга катта ишонч, умид билан қадам қўйдик.

Ана шу умид ва ишончнинг замини нимада? Бу саволга жавоб бериш учун босиб ўтилган йўлга, кечаги кунимизга, айниқса, 1991 йилдаги силжишлар, тарихий, унутилмас воқеалар, Олий Кенгаш билан биргаликда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий соҳаларда қилган ишларимизга назар солиш керак.

Уларнинг айримларини эслатиб ўтмоқчиман:

Биринчи: маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди.

Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик.

Ошкоралик, демократия йўлида биринчи, лекин дадил қадамлар қўйдик.

Бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англадик. Аниқроқ қилиб айтсам, ўзлигимизга қайтдик. Халқимизда миллий ғурур учун белни боғлаб, дўппи кийиб юришга замин яратдик.

Иккинчи: сиёсий йўлда бурилиш бўлди. Неча йиллик орзу-умидларимиз рўёбга чиқди. Мана шу ерда сизлар билан Мустақиллик декларациясини қабул қилдик. Кейин Мустақиллик қонунини эълон этдик. Ўшанда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ифода қилинганини 29 декабрда ўтказилган референдум исботлаб берди.

Чунки мустақиллик бизга нима беришини билардик. Ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга эгалик қила бошладик. Қисқа вақт ичида мустақилликнинг неъматларини татиб кўрдик.

Мустақиллик туфайли дунёга, жаҳонга чиқдик. Қарийб юз йилдан бери ёпиб қўйилган чегаралар очилди. Ватандошларимиз билан юз кўришдик.

Қисқа қилиб айтганда, бутун дунё Ўзбекистонни, бизнинг Ватанимизни қучоқ очиб қабул қилмоқда.

Энди Ўзбекистон дунё харитасида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган бўлди.

Ҳозиргача дунёнинг ўттиз мамлакати Ўзбекистон Республикасини таниди, тан олди. Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Япония, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари йирик давлатлар ана шулар жумласидандир. Бу ишонч руҳимизни кўтарди. Келажакка йўлимизни очиб берди.

Собиқ Иттифоқ доирасидаги мустақил республикалар билан ҳам қайта қуриш даврида узилган ришталарни боғладик. Яхши муносабатлар ўрнатдик. Россия, Украина, Беларусь ва бошқа жумҳуриятлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамладик. Ўрта Осиё ва Қозоғистон қондошқариндош қўшниларимиз билан янада яқинроқ бўлдик.

Бугун шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнига эга бўлди. Ўзбекистон тенглар ичида тенг бўлди! Ана шунинг ўзи ҳам умид юлдузидир.

Учинчи: иқтисодий соҳада бурилиш бошланди. Фақат 1991 йилнинг ўзида бозор иқтисодиётига ўтиш учун қанча иш қилдик. Сизлар билан мулкчилик, тадбиркорлик, чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқ ва инвеетициялар ҳақида ва бошқа қанчадан-қанча қонунлар қабул қилдик. Иқтисодий эркинлик, корхоналар, хўжаликларга эркинлик, фермерларни қўллаб-қувватлаш, шахсий томорқа эгаларига ёрдам бериш бўйича фармонлар чиқардик.

Қаранг, шахсий мулк пайдо бўлди. Тижорат ривожлана бошлади. Хорижий мамлакатлар кўмагида қўшма корхоналар кўпаймоқда. Банк системаси бўйлаб ҳам жаҳонга чиқилди.

Дунё ишбилармонлари учун юртимизда шароит яратдик. Ўзбекистон ўзининг олтин хазинасига эга бўлди. Халқини ўзи бошқариш ва боқиш масаласини Ўзбекистон ўзи ҳал қила бошлади. Оддий фуқароларга, ҳар бир оилага ўз ризқ-рўзини таъминлашга кўмак беришда дастлабки қадамларни қўйдик.

Бугун республикамизда, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам дадил ҳаракат йўли очилди. Эртанги кунга умид бор. Бу эса ўз самарасини, албатта беради.

Тўртинчи: ижтимоий адолат қарор топа бошлади. Одамларни меҳнати натижасидан рози қилиш, муҳтож, кўп болали, қаровчисиз қолган оилаларга, қариялар ва ёшларимизга ёрдам қўли чўзилди. Куни кеча қабул қилинган Фармоннинг ўзи билангина қанчадан-қанча талабалар, саломатлик посбонлари, заҳматкаш муаллимларнинг ташвишларини бироз бўлсада енгиллатдик. Одамлар ер олдилар. Қурилиш учун имконият берилди. Бир йилда 700 минг янги оила, хонадон пайдо бўлди. Буни фахрланмасдан айтиш мумкин эмас.

Ўзини адолатли деб келган, лекин ўта адолатсиз бўлган марказ Ўзбекистонга, ўзбек халқига қанча тамға босмади, қанча маломат тошлари отмади? Лекин маҳкам туриб адолатга эришдик. Ўзбек номини бадном қилиш ҳаракатларига зарба бердик. Бугун мана шу минбардан сизларга ёруғ юз билан айтаманки, «Пахта иши» билан қамалганларнинг ҳаммаси авф этилди.

Менга ана шу хайрли, хосиятли ишлар умид бағишлайди!

Бешинчи: халқимизга минг раҳмат айтмоқчиман. Фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги тотувлик, тенглик, осойишталикни сақлаб, мустаҳкамлаб туришибди. Дини, эътиқоди, миллатига қараб ажратиш фалокат эканлигини, офат эканлигини, у ҳамманн жарга қулатишни одамлар тушуниб олишди. Шунинг учун ҳам уларга яна бир карра раҳмат айтаман.

Азиз дўстлар! Қилинган ишлар ҳақида сиз, халқ вакиллари, бутун эл-юртимиз олдида ҳисоб берар эканман, шуни яхши тушунаманки, бошлаган хайрли қадамларимизга асосланган ҳолда аввало халқимизни ҳозир бошидан кечираётган катта қийинчилик, синовлардан чиқариш йўли тўғрисида, одамларимизнинг умидини, ишончини оқлайдиган фаровон ва эркин ҳаётга эришиши учун қандай муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳақида гапиришим керак.

Мен юксак масъулиятни, халқим олдидаги, унинг келажаги олдидаги жавобгарликни ҳис қилган ҳолда ўз сиёсатимни яна бир марта сиз билан келишиб олмоқчиман. Хўш, биз қайси йўлдан борамиз? Унинг йўналишлари нималардан иборат?

Биринчидан, халқимиз юзага келган вазиятни, бугунги ҳаётни ҳисобга олиб, иқтисодий барқарорликни таъминлаш чорасини амалга оширишни кутяпти. Эски тузум асорати, касофати туфайли бугун халқимиз оғир аҳволга тушиб қолди. Унинг бурнини қонатмасдан ёруғ ҳаётга олиб чиқиш ҳозирги кундаги энг асосий ва долзарб вазифаларимиздан биридир.

Адолат нуқтаи назаридан қараганда ҳам кўп болали оилалар, ногиронлар, бозор иқтисоди зарбаси остида қолганлар, ўзини ўнглаб ололмаётганлар, хуллас, ёрдамга, мададга муҳтожларни Президент ўз паноҳига олиши шарт деб ҳисоблайман.

Халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари кўрилади. Бу соҳада талон системаси сақлаб турилади. Унга риоя қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

(Давоми иккинчи бетда).

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида купондан фойдаланамиз. Сир эмаски, айрим республикаларда эркин нархларга ўтилиши, чегаралар йўқлиги туфайли бизда ҳам нарх-наво осмонга чиқиб кетаяпти. Шунга қарамасдан, биз кун кечириш учун энг зарур маҳсулотлардан 12 хилининг, жумладан нон, ун, шакар, мой ва шу сингарларнинг нархини ушлаб туришга қарор қилдик.

Болаларимиз учун энг керакли кийим-кечаклардан етти хилини эса талон системасига киритдик ва бюджет ҳисобидан кўмак берадиган бўлдик. Албатта, бу биринчи қадамлардир. Гап шундаки, ана шу принципни давом эттирамиз, давлат кафолатини берамиз. Лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтишда ўз йўлини танлаб олган ва бу йўлдан қайтмайди.

Бу йилнинг мазмуни ва шнори шундаки, халқимизни, биринчи навбатда, камбағал ва муҳтож бўлган кишиларни, оилаларни ҳимоя қилмасдан, бунга давлат кафолатини бермасдан бозор иқтисодига ўта олмаймиз.

Бир тоифа одамларнинг чексиз бой бўлиб, бошқа тоифадагиларнинг ғариб, гадо, қашшоқ бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Нарх-наво сиёсатини ойлик маош билан чамбарчас боғлаб қўямиз. Мақсадимиз яқин кунларда ўртача ойлик маошни минг сўмга етказишдир. Бунинг учун ҳамма имкониятларимизни ишга солишимиз зарур.

Иккинчидан, тинчлик-тотувлик, осойишталикни сақлаш Президентнинг бош вазифасидир. Президент тинчлик, тотувлик қўрғонининг меъмори бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Қаердаки тинчликка путур етса, халқ осойишталиги хавф остида қолса, ўша жойда Президент посбон бўлиши даркор.

Жиноятчиликнинг авж олаётганлиги халқимизни катта ташвишга солаяпти. Шунинг учун ҳозир Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши кураш дастури устида ишлаяпмиз. Одам ўлдириш, талон-торож қилиш, ўғрилик, порахўрлик, чайқовчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш чораларини кўрамиз. Бунинг учун аввало қатъий интизом талаб этилади.

Ҳуқуқ-тартибот органларини мустаҳкамлаш билан бирга уларга кўмак ҳам бериш керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан обрўларини ошириш лозим. Халқ депутатлари, жамоатчилик, маҳалла қўмиталари, қария отахонлар жиноятчилик йўлини тўсишда уларга ёрдам беришларига муҳтожмиз.

Халқ очликка, ночорликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Лекин билиб қўйинглар, адолатсизликка чидамайди!

Учинчидан, фуқаролар ва миллатлараро тинчликни сақлашни ҳамма нарсадан ҳам муҳимроқ деб биламан.

Миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар ҳар бир кишининг шахс ва виждон эркинлиги таъминланади, унинг миллатига, тилига ва маданиятига ҳурмат билан қаралади. Худо кўрсатмасин-у, бир йигит йиқилса, она йиқилади, ота йиқилади, оила мотамга ботади, қишлоқ йиғлайди. Ўн йигит йиқилса-чи? Юз йигит йиқилса-чи? Ахир баъзи минтақаларда шундай бўлмоқда миллий низолар туфайли келинчаклар бева қолмоқда. Оналар болам деб фарёд чекаяптилар. Йўқ! Бунга йўл қўйиш мумкин эмас ва қўймаймиз ҳам.

Азиз дўстлар!

Нима керак бўлса айтинг, ҳаммасини бажариб беришга ҳаракат қиламан. Лекин бунда сизнинг ёрдамингизга муҳтожман. Азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсам ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиламан, шу масалада ёрдамингизни аяманг!

Ахир Қуръони карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди. Жанжал чиққан юртдан худо ҳам юз ўгирар экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб коларкан.

Бу йўлда, тинчлик, тотувлик йўлида бизни Оллоҳ таоло ўзи қўлласин, мададкор бўлсин!

Тўртинчидан, оёқ-қўли боғланган киши қаноти синган қушдир. Эркинлик эса тараққиётнинг яккаю ягона йўлидир. Шу сабабдан менинг яна бир муҳим мақсадим — эркинлик бериш ва ана шу эркинликни муҳофаза қилишдир. Биринчи галда тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик беришдир.

Уларни ҳар қандай тазйиқдан қутқарамиз. Мулкчиликнинг барча шаклларига тенг шароит ва имкон яратилади. Ажнабий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилади. Қўшма корхоналар кўпаяди. Юртимизга чет эл сармояси жалб этилади. Замонавий технология олиб кириш йўлидан борамиз.

Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш учун, умуман, халқ хўжалигимизни тангликдан чиқариш сиёсатини тадбиқ қилишда, авваламбор, қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга устиворлик беришимиз зарур. Пировардда булар пештахталарни тўлдиради. Дастурхонимиз тўкин бўлади!

Бешинчидан, маънавий ҳаётимиздаги бошланган ишларни давом эттирамиз. Ошкоралик таъминланади. Матбуот, радио, телевидениенинг одамлар маънавий эҳтиёжларини қондиришига эришиш тадбирларини кўрамиз. Бу йўлдаги ҳамма тўсиқлар, тазйиқлар олиб ташланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушди. Уларни иқтисодий зарбадан асраб қолишни президент ўз бўйнига олиши керак деб ҳисоблайман.

Тарихга, меросимизга муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, яъни. Дарсликлардан тортиб оддий китобларгача ҳаммасида ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота-боболаримиз руҳи олдидаги қарзимиздир!

Олтинчидан, келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!

Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади. Шу боисдан тарбиячиларга, ўқитувчиларимизга, ўқув юртлари домлалари, профессорларига моддий ва маънавий ёдамимизни ҳеч аямаслигимиз керак.

Биз тарбия ҳақида ўйлар эканмиз, ёшларнинг кексаларга ҳурмати юқори бўлиши лозимлигини унутмайлик. Шу нуқтаи назардан ҳукумат ватан уруши қатнашчиларини тўла қарамоғига олиши, ҳимоя қилиши, қадрлаши шарт деб ҳисоблайман.

Шу ўринда соғлиқни сақлаш масаласини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Давлат бу соҳани ўз қарамоғида сақлайди, моддий таъминот базасини мустаҳкамлайди. Биз бу соҳада болаларимиз, ота-оналаримиз тақдири учун қайғураётган фидоий кишиларни ҳурмат қилишимиз, уларга кўмак беришимиз зарур.

Еттинчидан, жаҳонга, бутун дунёга чиқиб олиш йўлимизни кенгайтирамиз. Сизларга маълумки, тараққий этган мамлакатлар учта муҳим масалага эътибор беришмоқда. Булар инсон ҳуқуқлари, демократия ва сармоя учун кафолат масаласидир. Биз ана шу масалаларни эътиборда тутиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш чораларини кўраяпмиз.

Сизлар яхши биласизларки, хорижда кўп ватандошларимиз яшайдилар. Уларнинг келиб-кетишларини енгиллатиш зарур. Керак бўлса, эркин келиб-кетиш ҳуқуқини берайлик. Керак бўлса, уларга Ўзбекистон фуқаролигини берайлик.

Уларга кўп масалаларда суянишимиз, хайрихоҳлиги, бизга умид кўзи билан қараётганини ҳисобга олиб уларнинг кўмагига таянишимиз керак.

Дунёга, жаҳонга чиқиб олиш йўлимиз қанчалик яқин ва кенг бўлса, бугунги қийинчилик ва ташвишларни шу қадар тез енгамиз.

Саккизинчидан, биз кўп партиявийлик замонига ўрганишимиз керак. Бу юз, икки юзта партия дегани эмас, албатта. Қолаверса, мақсад партия-партия бўлиб халқни парчалаб юбориш эмас, аксинча, тўртта бўлар, бешта бўлар партиялар, лекин улар кўча ва майдонларда жанжал қилмасдан, мана шу ерда, парламентда баҳслашиб, тортишиб, халққа фойдали фикрни қўллашга ўрганишлари керак. Биз онгимизни ана шунга мослаштиришимиз даркор. Бу йўлда қандай тўсиқлар бўлса олиб ташлайлик.

Бундан кейин кўп сайловлар бўлади. Аммо бизда сайлов пайтида гуруҳларга бўлиниш, сайловдан кейин эса бир-биридан ўч олишдек ярамас иллат бор. Бу охири яхшиликка олиб бормайди. Аксинча бўлиши керак. Нима бўлганда ҳам қиладиган барча ишларимиз халқимизни бирлаштиришга, бир ёқадан бош чиқаришга, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка олиб борши керак.

Биз энди ўз-ўзини бошқарув усулини кенг жорий қиламиз. Маҳалла, қишлоқгача ўзини ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур. Бу бебошлик, бўйсунмаслик дегани эмас. Бунда ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай кенгаш ва ҳар қандай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида масъул ва жавобгардир деган қоидадан келиб чиқиш шарт.

Тўққизинчидан, эски тузумлардан бизга нураб, вайрон бўлган бошқарув системаси мерос бўлиб қолди. Тезроқ ана шу вайрона ўрнида ўзимизнинг бинони тиклашимиз керак.

Бунда биз нимани кўзда тутамиз? Мақсадимиз қандай бўлади? Хўжалик, ташкилот, фуқароларга эркинлик берилди. Демак, уларни тепадан туриб бошқариш ортиқча. Хўш, бошқарув ҳокимияти энди нима қилади? У хўжалик ишларига аралашмасдан ўз ишини бажариши керак. Бошқача қилиб айтганда, у ишлаб чиқаришда қулай шароит яратиб беришни, халқни ҳимоя қилиш, адолат, ҳақиқат ўрнатиш йўлини, етим-есирлар, ногиронларнинг бошини силаш, келажак ҳаётимиз ҳақида бош қотиришни ўзининг асосий вазифаси деб билиши керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани ўртага ташламоқчиман. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир!

Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ. Чунки қонун халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак деб ҳисоблайман.

Ўнинчидан, юқорида айтилган ва сайлов арафасида баён қилинган масалаларни амалга ошириш учун сизларга, халқ нойблари, миллат вакилларига суянаман. Халқдан узоқлашмай, тез-тез халқ орасида бўлиб дардини, ташвишини ўз юрагимдан ўтказиб туришим шарт деб биламан. Сизлар билан бирга бўлиш халқ билан бирга бўлишдир!

Халқ билан бирга бўлиш эса унинг ҳаёти, унинг турмуши, унинг дарди билан бирга бўлишдир!

Халққа, юртга хизмат қилиш эр киши учун, мард киши учун, ўғлон учун шарафли ишдир!

Ана шу шарафга мени лойиқ деб билган халқимга қуллуқ қиламан ва у билан биргаман!

Катта ва масъулиятли йўлда Тангри бизга мададкор бўлсин!

Президент Ислом КАРИМОВ:

МЕН ХАЛҚИМГА СУЯНАМАН

Малик Қаюмов: — Президентимизга муваффақиятлар, узоқ умр тилайман.

1992 йил 4 январь. Эрталаб соат ўн. Президент саройидаги Олий Кенгаш мажлислар зали. Одатда мажлис ҳайъати жой оладиган саҳна ортига оқ, кўк ва зангори рангли шойи пардалар тортилган. Унинг бағрида мустақил Ўзбекистоннинг ҳилпираб турган байроғи рамзи. Мўъжаз минбар, давлатимиз ипак байроғи. Минбарда бутун Ислом оламининг муқаддас китоби Қуръони Карим.

Зал гумбазлари остида кўзни қамаштирувчи чироқлар. Йиғилганларнинг юзларида қувонч. Ҳадемай бу ерда республика тарихига ўчмас ёзувлар билан битилажак тантанавор воқеа содир бўлади. Туркий халқлар узилмас маржонининг нодир дурдонаси бўлган ўзбек миллий давлати йилномасининг ҳаммамиз интизорлик билан кутган дастлабки ёрқин саҳифаси очилади.

Бу кунга осонликча етиб келмадик. Юртимизни темир чирмовиқдек минг жойидан кириб бўғаётган юҳо чангалидан озод қилиш вазифаси Форобий, Беруний ақл фалсафаси, Алишер Навоий ҳофизаси-ю пок дили, кескир сўз бобомиз Амир Темур жасоратига хос матонатга интизор эди. Ана шундай олий фазилатлар жамланган миллатпарвар мард инсон она халқи хизматига бел боғлади, Халқ уни ўғлоним дея севди, юртга оталик қилишни унга ўзи ишониб топширди. Шу пайтгача бу ўлкада ҳеч кимга насиб этмаган мутлақ ваколатлар мана шу жасур фарзандга берилди. Кеча давлатимиз пойтахтида иш бошлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши фавқулодда IX сессияси эрталабки мажлисида Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Президентлик вазифаларини бажаришга киришиш тантанаси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ сайлови ва республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум натижалари тўғрисида ахборот берди. Мустақиллигимиз маъқулланганлиги ва И. А. Каримов номзодини ёқлаб берилган рақамлар айтилганда залда мамнун жонланиш пайдо бўлди, гулдирос қарсаклар чалинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев Ўзбекистон халқи сайлаган биринчи Президент И. А. Каримовга сўз беради.

Президент минбарга яқинлашади. Халқ депутатлари, сессиянинг кўплаб қатнашчилари, меҳмонларнинг бутун диққат эътибори зал тўрига қадалган. Киприк қоқса эшитгулик тантанавор жимлик. Яратганнинг хоҳиши-ю, халқ иродаси билан сайланган давлатимиз бошлиғининг дона-дона айтган қасам сўзлари янграйди.

Давлат гимни садолари зални тўлдиради. Сўнгра қарсаклар бошланади. Қасамёд онлари ҳаяжонини босиб олган Президент ўз режасига мувофиқ амалий фаолиятнинг асосий мақсадлари ҳақида маъруза қиладди. Юртни обод, элни бадавлат қилиш, халқнинг кўп асрлик тарихи ва маданияти қадриятларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги — фарзандлар тарбияси ва саодатини таъмин этиш, ички ва ташқи низоларга йўл қўймаслик, қўшни ва хорижий давлатлар билан ўзаро тенглик ва бир-бирини ҳурматлаш қоидаларига риоя қилиш, бошқа кўпдан кўп муҳим вазифалар баён қилиб берилди. Айниқса, деди Президент, миллатлараро тўқнашувлар бўлмаслиги керак, токи болалар етим, келинлар бева қолмасинлар, ота-оналар фарзанд доғини тортмасинлар.

Мақсади аниқ, лўнда ва пурҳикмат маънога бой маъруза қарсаклар билан бўлиниб турди. Унинг мустақиллик шарафига лойиқ халқимга қуллуқ қиламан, унга суянаман, доим у билан биргаман, деган сўзлари катта олқишларга сазовор бўлди.

САЙЛОВ ва Референдум якунлари муҳокамаси ва Президентни шарафлаш маросимида шоир Абдулла Орипов қишлоқ аҳолиси номидан Тошкент районидаги М. Фозилов номли жамоа хўжалиги раиси, «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси Сиддиқжон Муҳаммаджонов, Тошкент автомобиль-йўллари илмгоҳининг ректори Салим Пўлатов, 22-болалар уйи директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Хлебушкина, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори Виталий Сигедин, республика кинематографчилари уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Малик Қаюмов сўзга чиқдилар.

Россия Федерацияси Олий Кенгаши Раиси ўринбосари Юрий Яров, Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси М. Шеримқулов, Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги Ҳабибулло Саидмуродов, Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллиги референдумидаги ғалаба, И. А. Каримов Президентликка умумхалқ томонидан сайланганлиги муносабати билан ўз халқлари, парламентлари ва давлат раҳбарлари номидан табрик сўзлари айтишди. Ўш вилояти Новқат райони вакиллари Ўзбекистоннинг раҳбарига тўн, белбоғ, дўппи ва саҳтиён этик совға қилдилар.

Маросим сўнггида сўзга чиққан Ислом Абдуғаниевич қутловлар учун ташаккур билдирди. Ҳозиргина кийдирилган ўзбек миллий либосида туриб у яна Қуръони Каримни қўлга олди. Уни ўпди ва пешонасига суртиб, тавоф қилди: Халқим менга ишонди, мен халқимга ишонаман! Умрим борича хизмат қиламан! Бу ерда мени табриклаган азиз меҳмонлар ҳамда халқимиз вакиллари айтган сўзлар мени ўстирган, ундирган, куч бахш этган бутун ўзбек халқи, Ўрта Осиё халқлари номига айтилган сўзлардир. Уларга бўлган чексиз ҳурмат, иззат-икром рамзидир. Мен халқимнинг дарди билан яшайман, унинг истиқлоли учун боримни бағишлайман.

БИЗ танаффус пайтида бир гуруҳ депутатлар билан суҳбатлашдик. Наманган вилояти Чуст районидаги «1 Май» жамоа хўжалиги раиси Абдусаттор Ғофуров, Қашқадарё вилоятидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигининг директори Раҳматулла Омонов, Тошкент чинни заводининг директори Файзулла Раҳматуллаев ва сессия қатнашчиси шоир Шукрулло бугунги маросим асрий воқеа бўлганлигини қайта-қайта таъкидлашди. Республикадаги барча сиёсий кучлар, ҳаракатлар эндиликда асосий мақсад — республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қўлни-қўлга бериб ишлашлари лозимлигини уқтирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев Президент И. А. Каримов ўз маърузасида қайд этган вазифаларни маъқуллаш ҳақидаги қарор лойиҳасини ўқиб берди. Сессия қарорни тасдиқлади.

Сессия қатнашчилари республикамизда биринчи бор тажриба тариқасида ўтказилган Тошкент ҳокими сайловида мутлақ кўпчилик овозни олган Адҳамбек Фозилбековни самимий табриклардилар.

Шундан кейин сессия кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтди.

Расул РАҲМОНОВ,
Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залидан репортаж

⊙ Сессия залида

Суратларни Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган (ЎзТАГ).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

У Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар экан, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Конституцияга қатъий риоя этишга, зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилди.

И. А. Каримов Олий Кенгашда дастурий нутқ сўзлади.

Ўзбекистон халқ шоири **Абдулла Орипов**, халқ депутатлари **С. Муҳаммаджонов, С. П. Пўлатов, А. П. Хлебушкина, В. Н. Сигедин, М. Қаюмов** Республика Президенти умумхалқ томонидан сайлангани билан уни табриклардилар. Тантаналарда қатнашиш учун атайлаб келган Россия Федерацияси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари **Ю. Ф. Яров**, Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **М. Ш. Шеримқулов**, Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари **Х. Саидмуродов**, Қирғизистоннинг Новқат райони вакили **М. Имомов** Президентни самимий табриклардилар.

Олий Кенгаш Президент И. А. Каримовнинг дастурий нутқи хусусида қарор қабул қилди.

Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев **А. И. Фозилбековни** Тошкентнинг биринчи ҳокими этиб сайлангани муносабати билан депутатлар номидан табриклади, сайлов референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ташкил этишда қатнашган барча кишиларга самимий миннатдорчилик билдирди. Мандат комиссиясининг раиси **Ш. М. Мирзиёев** бўшаб қолган депутат ўрнига Ғафур Ғулом номли 234-округдан сайланган халқ депутати **Т. М. Каримовнинг** ваколатлари ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримов** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим ва протокол ҳақида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги Шартнома ҳамда иқтисодиёт соҳасида уларнинг ўртасида тузилган битим тўғрисида маъруза қилди.

Олий Кенгаш бу ҳужжатларни тасдиқлади.

Республика парламенти Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Украина давлат мустақиллигини тан олди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини таниган мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва парламентларига Олий Кенгаш мурожаатномасини қабул қилдилар.

Сессияда республика Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Қабул қилинган Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси вице-президенти лавозими тугатилади ва Бош вазир лавозими жорий этилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқи берилади. Республика маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси **Э. Н. Ҳўжаевнинг** маърузаси юзасидан Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил биринчи чораги фавқулодда бюджети тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Сессияда Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасидан СССР Олий Кенгаши палаталари таркибига вакил қилиб юборилиадиган СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари номзодлари тўғрисида»ги қарори бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикасидан сайланган СССР халқ депутатлари ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан Олий Кенгаш ялпи мажлисларида 16 январгача танаффус эълон қилинди. Республика парламенти ўз ишини комитетларда ва комиссияларда давом эттиради.

Таҳририятга келган хатлар

ЮРТ МЕҲРИ

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўтган йил 29 декабрда бўлиб ўтган умумхалқ сайловида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланганлиги тўғрисидаги хушхабар яшин тезлигида бутун республикага, унинг чегараларидан ўтиб қўшни мамлакатларга ҳам ёйилди. Рўзномамиз таҳририятига бу катта воқеа билан муборакбод қилиб ўша куннёқ табрик телеграммалари оқиб кела бошлади. Янги йилнинг дастлабки кунидан эса дил сўзлари битилган хатлар ҳам оляпмиз. Қуйида ана шу телеграмма ва хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Ҳурматли И. А. Каримов республика Президенти қилиб сайлангани билан бутун оиламиз номидан табриклаймиз. Бу Ўзбекистон учун, ўзбекистонликлар учун жуда катта ютуқ. Шунингдек республикамиз мустақил бўлганлиги билан муборакбод этамиз.

С. СОБИРОВлар оиласи,
Шовот районидаги «Москва» жамоа хўжалиги.

●

Ислом Абдуғаниевич! Сизни умумхалқ сайловида энг кўп овоз олиб Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти бўлиб сайланганингиз билан табриклаймиз. Сиз мустақил Ўзбекистон халқининг фаровонлиги учун олиб бораётган ишларингизни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилаймиз. Сизга Янги йилда узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омадлар тилаймиз. Сизнинг Президентликка номзодингизни қўллаб-қувватлаб овоз берган 1200 ишчи ва инженер-техник ходимлари номидан

М. ҲАЙДАРОВ,
Қува тикувчилик фабрикаси директори.

●

Умумхалқ сайловида И. А. Каримовга овоз бердим. Бир менгина эмас, қўни-қўшниларим, рафиқаларим ҳам овоз бердилар. Мен Ислом Абдуғаниевичга қаттиқ ишонаман. Уни бутун халқимиз севиб ҳурмат қилади. Буни у ўз фаолияти билан, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш учун қилаётган ғамхўрлиги билан исботламоқда. Унга ана шу йўлдаги фаолиятида муваффақиятлар тилайман.

С. ИСКАНДАРОВ,
Пахтачи район молия бўлимининг ХДП бошланғич ташкилоти котиби.

●

Мен шахсий пенсионерман. Аввало Республикамиз мустақил бўлгани ҳаммамизга муборак бўлсин. Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовни мустақил республиканинг биринчи Президенти бўлиб сайланганлиги билан чин қалбдан табриклайман. Унга соғлиқ тилайман. Ҳамиша халқимизнинг бахтига омон бўлсин.

Н. РУСТАМОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Баҳористон райони.

●

Адолат устивор бўлди. Мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг мард, оқил, эътиқодли фарзандини, яъни Ислом Абдуғаниевични Республика Президенти қилиб сайлади. Унинг раҳбарлигида ўзбекистонликлар бугунги мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараённи енгиб ўтишларига, меҳнаткаш халқимизнинг яқин орада фаровон дориламон кунларга етишига ҳеч кимда ҳеч бир шубҳа йўқ. Элимиз бахтига соғ-омон бўлинг, Ислом Абдуғаниевич! Халқимиз равнақи йўлида ижодий ва баракали меҳнат, инсоний жасорат, бахт-саодат Сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Юртга оталик-оқсоқоллик муборак бўлсин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қўқон шаҳар ташкилоти номидан

А. АЗИМОВ,
шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби.

●

Рўзномамиз бундан бироз олдинроқ Самарқанд вилоятининг Нарпай районида яшовчи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари — истеъфодаги лейтенант М. Сулаймонов, II-гуруҳ уруш ногирони М. Жўраев, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи С. Хонназаровлардан ҳам мактуб олганди. Ушбу хатда ҳурматли отахонлар И. А. Каримовнинг республика раҳбари сифатида унинг ишларига омад тилашганди. Албатта Ўзбекистон халқи унинг номзодини қўллаб-қувватлаб овоз беришига ишонч билдиришганди. Рўзнома янги йилнинг биринчи кунида ушбу отахонлардан табрик хати олди. Улар мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти қилиб сайланганлиги билан И. А. Каримовни муборакбод этишган. Ишларига омад, ўзига сиҳат-саломатлик тилаб, дуо қилишган.

●

Мана бу хатни Қамаши районидаги Н. Пардаев номли 74-ўрта мактаб ўқитувчиси С. Остонов олиб келди. «Президентимизнинг ўтган йил 29 декабрда чиқарган 1991 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, уй-жой ва коммунал хўжалик ходимларининг иш ҳақини 1991 йилга нисбатан икки баравар, 1990 йилга нисбатан 4—5 баравар ошириш тўғрисидаги фармонини ўқиб астойдил қувонганимдан шу хатни ёздим, — дейди у. — Элнинг отаси ўз халқига ғамхўрлик қилса шунчалик қилади-да. Бу фармонни ўқиб районимиз ўқитувчилари нақадар қувонишганини сўз билан таърифлай олмайман. Умумхалқ сайлови натижаларини ҳаммамиз интиқиб кутдик ва Ислом Абдуғаниевичнинг халқ сайлаган Президент бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитиб алоҳида қониқиш ҳосил қилдик. Шундай бўлиши ҳам табиий эдида». С. Остонов хатининг давомида янги йилда Президент олдига амалга оширилиши лозим бўлган баъзи талабларни ҳам қўйган. Жумладан, у шундай дейди: «Болалар — бизнинг келажагимиз. Сиз болалар ҳақида шу пайтгача ҳеч ким қилмаган яхшиликларни қиляпсиз. Бунинг учун Сизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак оз. Аммо истагимиз ҳам бор, ўтилаётган дарсликлардаги фикрларнинг кўпи ҳозирги талаблардан орқада қолган. Дастурлардаги мавзулар дарсликларда йўқ. Шунинг учун миллий дарсликлар, янги программалар, ўқув қуроллари жуда ҳам зарур. Сиз шу соҳада ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатсангиз маъқул бўларди. Келгуси ишларингизда омад тилаймиз».

Биз бундай хатларни ғиждувонлик М. Ахроров, Б. Абдураҳмонов, Т. Эралиев, қўшработлик А. Умрзоқов, бешариқлик I- гуруҳ ногирони Ў. Тўхтаров, ғузорлик Ё. Мажидов, Ульянов районидаги 20-давлат хўжалигида истиқомат қилувчи II-гуруҳ ногирон Э. Аҳмедов, тошкентлик Қ. Қодиров, А. Қодиров, Мирзачўл коммунал қурилиш билимгоҳи бир гуруҳ ўқитувчилари ва ўқувчиларидан ҳам олдик. Улар рўзнома муштарийларини республикамиз мустақиллигини ва мустақил Ўзбекистоннинг халқ сайлаб қўйган биринчи Президенти билан табриклаганлар, янги Президентга катта муваффақиятлар тилаганлар.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ҲАМДУСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА

БЕВОСИТА ПРЕЗИДЕНТГА БЎЙСУНАДИ

● Украинада жойлашган барча қўшинлар (стратегик ядро қуролларидан ташқари) 3 январдан бошлаб бевосита Украина Президентига ва Украина мудофаа вазирлигига бўйсунадиган бўлди.

Украина мудофаа вазирлиги матбуот шўъбасидан Укринформ мухбирига хабар қилишларича, шу кундан бошлаб қўшинлар Украина халқига содиқликка қасамёд этишади.

ҚУШНИЛАРГА ЕНИЛҒИ

● Арманистон газ қувури орқали яна ёнилғи ола бошлади. Ўтган йилнинг 4 ноябрида Озарбайжон томони газ қувурини тўсиб қўйган эди.

ТАН ОЛИШДИ

● Молдова Республикасини Германия Федератив Республикаси мустақил давлат сифатида тан олди.

ГФР Президенти Рихарт Фон Вайцзеккер Молдова Президенти Мирча Снегур номига телеграмма юборди. Унда республика мустақиллиги тан олинганлиги айтилади.

ХОРИЖДА

ХАТЛАР ОШКОР ҚИЛИНАДИ

● Америка Қўшма Штатлари ва Россия Хрушчев билан Кеннеди ўртасида Кариб денгизи танглиги даврида ёзилган хатларини ошкор қилишни мўлжаллашмоқда.

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШМОҚЧИ

● Туркия Озарбайжонга Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш истагидаги унинг ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бу ташкилотга Туркия, Эрон ва Покистон мамлакатлари киради.

АФРИКАНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

«Африк футбол» ойномаси ўтказган савол-жавобда Африка қитъасининг 47 мамлакати мутахассислари ва тренерлари иштирок этишди.

Ганалик Абеди Пеле Африка қитъасининг ўтган йилги энг яхши футболчиси деб тан олинди. Ў Франциянинг «Олимпик» жамоасида тўп сурмоқда.

(Хабарлар ТАСС ва марказий рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

ЭҲСОН КУТИБ ЯШАЙ ОЛМАЙМИЗ

ТАДБИРКОРЛИК–ДАВР ТАЛАБИ

Ёзувчи минбари

1.

МАМЛАКАТИМИЗ ўрмонга бой. 1973 йилги ўрмон фондининг ҳисоби бўйича мамлакатимизда ўрмон билан банд майдон бир миллиард 229,6 миллион гектарга тенгдир. Бу сайёрамиз ўрмончилигининг 20 фоизини ташкил этади, деган сўз. Мамлакат миқёсидаги фактлар нақадар кўнгилли. Жумҳуриятимизда-чи?

Қарийб ёт тушунча. «Ўрмон» сўзининг ўзи ҳозирги ёш авлодимиз учун ғалатироқ эшитилади. Ҳатто, маъносига дарҳол тушунмаслигимиз ҳам мумкин. Сўз бўлса-ю, кўз ўнгингизда моддий ифодаси бўлмаса...

Очиғи, изоҳларсиз «ўрмон» сўзининг маъносига тушунмайдиган бўлиб қолдик. Ҳозирги баъзи ёшларга «Бир вақтлари бизнинг ҳам ўрмонимиз бор эди. Оддий кулбалардан тортиб, ҳашаматли саройларгача ўз ёғочларимиздан қилинарди» деб кўринг-чи, ишонишармикан. Йўқ, ишонишмайди. Кўриб туришибди, шунчаки бирон товуқ катагини қуриш учун ҳам рус ўрмонига кўз тикамиз, унингсиз иш битмайди.

Шаҳарларда юриб, у ер-бу ерда (қадимги сарой ва масжидларда) осмонўпар устун ёки болорларни кўриб «наҳотки шулар ўзимизда етишган бўлса» деган ҳаёлга борасан. Ишонинг, шундай улуғвор болорлар бир вақтлар ўз ўрмонимизда етишган. Четдан биронта чўп сотиб олмаганмиз. Ҳаммаси ўзимиздан чиққан. Энди бўлса ўз ўрмонимиз йўқ. У ер-бу ерда тасодифан, жон асраб» қолганларини ўрмон дейишга ҳам арзимайди. Ўрмонларимизни, тўқайларимизни бировлар четдан келиб қийратмади, ўзимиз қилдик. Ёппасига арра, болталарни ишга солдик. Болта, арралар ожизлик қилган жойда ёппасига аланга кўтарилди. Ўрмонларимиз, тўқайларимиз ойлаб тутаб ётди. Миллион-миллион гектар ўрмонларимизнинг кулини кўкка совурдик. «Нима қиляпсанлар ўзи?» дейдиганлар топилмади. Аксинча, «Кам бўлма, азамат!» деб елкаларига қоқдик. Мунгли ингираниш бора-бора ғаройиб жим-житликка айланди.

Мунгли жимжитликни эса пишқириб кириб келган тракторлар, бульдозерлар ҳайқириғи бузди. Кечагина шовуллаб, чайқалиб, булутдай осмонга ўрлаб кетган ўрмонлар энди теп-текис пахтазорга айланди. Пахта керак эди, пахта! Пахта деганда ҳеч нарса кўзимизга кўринмади, ҳеч нарсани аямадик. Марказ талаби шунақа эди. Ҳокимиятнинг пахта сиёсати бизнинг қўл-оёғимизни боғлаб қўйганди. Пахтамиз табиатимизнинг офатига айланди. Йўлида нимаики кўндаланг турса, ямламай юта бошлади. «Ўрмонларни, тўқай, ботқоқликларни тугатамиз. Ўрнига пахта экиб хазинага, жаннатга айлантирамиз!»

Ҳа, «жаннат»га айлантирдик. Ўрмонларни қийратган, тўқайларни қақшатган баҳодирлар доим рағбатлантирилди, орден, медаллар кўкракларини безади. Безашга безади-ю, пахта экиб хазина ичига шўнғиб кетган «баҳодирлар»имизнинг шунча йиллар ўтиб ҳам бир кўйлаги иккита бўлмади, косалари оқармади. Пахтамиз шу қадар кароматга эга эди-ки, биз ўз қўлимиз билан фақат ўрмонларнигина эмас, боғ-роғларимиз, яйловларимизгача қақшатиб, иритиб, чиритиб, пес қилиб улгурдик. Кечагина қайси бири осмонга сакраб, қайси бири эса жойида милт-милт ўйнаб, нималар деб пичирлаб, дарёлар сари шошилаётган булоқларимиз ҳам ўрмон, ботқоқликлар изидан ўзидан-ўзи ғойиб бўлди. Таажжуб, ҳалиги, баҳодирлар ўрмон, тўқайлар ўрнида «жаннат» яратаётганларида булоқлар шундай «жаннат»ни тарк этиб ўтирса-я...

Асли дарёларимизнинг ҳаёт томирларидан бири шу булоқлар эмасмиди? Дарё қирғоқларидаги ўрмон, тўқайларимизни қақшатиб дарёларимизнинг ҳаёт томирларига ҳам болта урмадикми? Ўрмонлар, тўқайлар, булоқлар... Уларни бир-биридан ажратиб қўйиш эт билан терини ажратиш билан тенг эмасми?

Масалан, Волга, Днепр дарёларининг тақдирларини ўрмонларсиз, Олой пастлиги ботқоқликларидаги сон-саноқсиз булоқларсиз тасаввур қилиб кўринг-а... Бизнинг дарёларимиз бошига тушган фожиа ўша дарёларнинг ҳам бошига тушса уларнинг улуғликларидан нима қоларкин... Биз эса дарёларимизга қилғилиқни қилиб бўлдик. Улуғ дарёларимизгача ўзанларида гоҳ кўринди, гоҳ кўринмай ингираниб ётибди. Яқин орада уларнинг фожиали тақдирини ўзгартириш ҳақида ҳозирча биронта дастҳримиз ҳам йўқ. Уларни шу ҳолга келтириш учун фақат ўрмонларимизни, ботқоқликларни қақшатиш билан чекланмадик. Беморнинг ичак-чавоғини қийратадиган баъзи шафқатсиз жарроҳлар сингари дарёларимизни истаган жойимиздан бўғиб, парчалаб, қийратиб ҳозирги ҳолатига келтирдик. Кўзимизнинг ягона оқ-қораси Оролимиз энди ўлим талвасасида. Уни Сибирь дарёлари ҳисобига тиклаймиз деб ўз-ўзимизни алдамай, яхшиси бу ниятлардан тезроқ умид узиб қўяқолайлик, У ҳамон ҳаётдан умид узолмай шафқат сўраб ялиниб-ёлвормоқда. Ёлворишлари қачон бўлмасин бағримизни юмшатармикан... Биз зўрмиз, табиатни чиқиратавериб бағримиз тошга айланиб кетган. Табиатдан шафқат кутмай уни истаган мақомда рақсга туширишга ўрганиб қолганмиз.

Дарвоқе, табиатга муносабатда «биз табиатдан эҳсон кутмаймиз...» деб ўзгача йиртқич фалсафа яратган Мичурининг кўкларга кўтариб «улуғ» кашфиётини ёдлайвериб, ўзимиз ҳам табиатга нисбатан ёвузлашиб кетмадикми?..

2.

ДАРЁЛАРИМИЗНИНГ қирғоқларидаги ўрмонларни, қишин-ёзин буғ буркаб турадиган ботқоқлик, тўқайларни қақшатиб энди ўзанларининг ўзида ҳам чанг қуюнларини ўйнатиб қўйибмиз. Асли ўша ўрмон ва тўқайлар дарёларимизнинг посбони эмасмиди. Энди фақат дарё қирғоқларидаги ўрмонлар ўрнида эмас, бевосита дарё ўзанларида ҳам жамоат бинолари, чўчқахоналар, ёзлик шахсий оромгоҳ — дачалар қуряпмиз. Улардан яна сув оқишидан умид узиб қўйганмиз-да. «Нима қиляпсанлар ўзи?» дейиш қайда! Ахир, «яратувчи» қўлларнинг «каромати»га бирон нарса деб бўлармиди! Етмиш йил давомида шундай концепция, дастурга амал қилиб яшадик ва кароматимизга қаранг-ки, ўтмиш авлодларидан бизга мерос қолган ўрмонлардан номнишон қолдирмадик.

Энди навбат, дараларга, тоғларга. Бироқ, дарёларимизнинг асосий ҳаёт томири-улкан тоғларимиз ҳозирча бизга бош эгмай мағрур туришибди. Мағрурлиги узоққа борармикан? Зероки, болта қўлтиқлаган азаматлар тоғларимизнинг ҳам кулини кўкка совуриш учун кўпдан тоғ этакларида, дараларида изғиб юришибди. Оқибат нимага олиб келса... Ахир, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида дарёларимизнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам жонимизни асраб турган, баҳодир — ўша тоғлар ва тоғ ўрмонлари эмасми? Тоғларимиз бўлмаганида ҳозир қанақанги кўргиликларга дуч келишимизни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Бошимиздан кечаётган экологик фожиаларнинг шунисси ҳам етиб ортмайдими?

3.

нида. Нима дуч келса, пешонамизга суртиб, талашиб-тортишиб ўн баравар қимматига оламиз. Ўтинга ҳам ярамайдиган чириган гарбеллар бўлса ҳам майли. Олмай нима иложимиз бор. Ҳатто, ёқадиган ўтинимиз ҳам кимларнинг марҳаматига боғлиқ. Йиллар давомида ўзгалар ўрмонига сажда қилиб яшадик. Ҳамон шундай яшаяпмиз. Бу эса ёмон касалликка — кўз тикиш, кутиш -психологияси билан яшашга ўргатди. Ҳамон кимлардандир эҳсон кутиб яшаймиз.

Маданиятга даъво қиладиган ҳар бир халқ қоғоз саноатисиз ишлай олмайди. Баъзи халқлар ҳали «қоғоз» тушунчасига эга бўлмаган замонларда ҳам бизда дунёга машҳур ипак қоғозлар ишлаб чиқарилган. Энди биз қоғоз саноати деган тушунчани ҳам дарҳол ҳазм қилолмай анграйиб турамиз. Таажжубки, қоғоз саноатининг бирон турига ҳам эга эмасмиз. Ҳозирги замон қоғоз саноатини эса ўрмонсиз тасаввур қилиб қийин. Қоғоз нархи эса ошгандан ошиб кетаётир.

Хўш, бизда қоғоз саноатини ривожлантириш имкониятлари борми?

Бор! Биз ўз ўрмонимизни тиклашгача ҳар йили тупроққа қоришиб чириб кетадиган, тўртинчи нав пахтамиз ҳисобига дунёда тенги йўқ қоғоз саноатини ишга солишимиз мумкин эди. Бунинг устига ғўзапоя, қамиш, ғаров, оққурай...ларни ишга солиш йўлларини излаб кўрсак асакамиз кетмас эди. Ўзгалар ўрмонига, қоғозига кўз тикиш, сажда қилишдан қутилардик. Кимлардандир марҳамат кутадиган жумҳуриятнинг ҳеч қачон мустақил бўлолмайди. Яхшиси, ўзимизни ўзимиз таъминлаш, ўз имкониятларимизни ишга солиш йўлларини излайлик.

Энди нима қилдик? Кимларнингдир марҳаматини кутишдан бошқа чорамиз йўқми?

Ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Шукурлар бўлсинки, ҳозир бошқа кунларда яшаяпмиз. Пахтамиз республика иқтисодининг ҳамон етакчи тармоқларидан бири бўлса ҳам нафасига ҳолва пишадиган кунлар ўтди. Энди унга тил теккизадиганларнинг тилини узиб олишмайди. У чекиняпти. Чекинган жойларда унутилган, биологик тип сифатида бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турган экинлар қад кўтаряпти. Эҳтимол, энди ўрмонларимизни ҳам қайта тиклашга ҳафсала қилсак. Ҳа, энди ўз ўрмонимизни тиклаш ҳақида сўз юритишнинг мавриди келди. Бировларга кўз тикиш касаллигидан секин-секин воз кечганимиз маъқул.

ЎРМОНЧИЛИК биз учун шундайки, танноэлик ёки сўз ўйини эмас, ҳаёт-мамот масаласи. Ўрмончиликни тиклаш — дарёларимиз қирғоқларидаги кўзлари ёпилиб кетган булоқларнинг кўзларини очиш, дарёларимизга ҳаёт бахш этиш демакдир. Бу Оролимизга ҳам жон ҳадя этишдир.

Ўрмон — дарё — Орол — бу учлик бизнинг ҳаёт фалсафамизга айланмоғи керак. Ростдан ҳам нега энди ўрмончилик фақат айрим минтақаларга насиб этиши керак. Ўзимизнинг ўрмонларимиз бўлса, ичимизни ози радими?! Ахир, бир вақтлари ўз ўрмонимиз бор эди-ку. Энди нега бўлмаслиги керак. Ўрмончиликни тиклаш билан бойлигимизга бойлик қўшиларди. Кутиш, кўз тикишдан қутиламиз. Унинг ҳаётимиз, иқтисодиётимиздаги ўрнини фақат ақлдан озганлар тушунмаслиги мумкин. Ўрмончиликнинг тенги йўқ сердаромад соҳага айланиши учун ҳамма асослар бор. Ишонмасангиз қўлга қалам олиб ҳисоблаб кўринг. Дунёда шундай давлатлар борки, экспортининг асосий қисмини ўрмончилик, ёғоч ишлаб чиқариш саноати ташкил этади. Масалан, унчалик улкан бўлмаган Финлядияни олинг. Унинг 20 миллион гектар ўрмони бор. Экспортининг 40 фоизини ёғочсозлик саноати ташкил этади. Бу соҳада у дунёда Канададан кейин иккинчи ўринда туради. Фин халқи кесилган ўрмон ўрнига янгисини тикламагунча пулини банкка қўйиб, сарфламай тураркан. Ибратли одат!

Ўзимизда ҳам ота-боболаримиз онлада ўғил туғилдими — бир уйга етадиган терак ниҳолларини қадашган. Бола улғайиб уйланадиган бўлганида ниҳоллар болор бўлиб тайёр турган. Нега энди ўрмонларимиз ҳам ўсмасин? Ахир, ўрмонсиз ҳеч нарсанинг ҳеч ким қилмаган яхшиликларини қиляпсиз. Бунинг учун Сизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак оз. Аммо истагимиз ҳам бор, ўтилаётган дарсликлардаги фикрларнинг кўпи ҳозирги талаблардан орқада қолган. Дастурлардаги мавзулар дарсликларда йўқ. Шунинг учун миллий дарсликлар, янги программалар, ўқув қуроллари жуда ҳам зарур. Сиз шу соҳада ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатсангиз маъқул бўларди. Келгуси ишларингизда омад тилаймиз».

Биз бундай хатларни ғиждувонлик М. Ахроров, Б. Абдураҳмонов, Т. Эралиев, қўшработлик А. Умрзоқов, бешариқлик I- гуруҳ ногирони Ў. Тўхтаров, ғузорлик Ё. Мажидов, Ульянов районидаги 20-давлат хўжалигида истиқомат қилувчи II-гуруҳ ногирон Э. Аҳмедов, тошкентлик Қ. Қодиров, А. Қодиров, Мирзачўл коммунал қурилиш билимгоҳи бир гуруҳ ўқитувчилари ва ўқувчиларидан ҳам олдик. Улар рўзнома муштарийларини республикамиз мустақиллигини ва мустақил Ўзбекистоннинг халқ сайлаб қўйган биринчи Президенти билан табриклаганлар, янги Президентга катта муваффақиятлар тилаганлар.

4.

ган. Шу одатимизни ҳам унутдик. Энди эслайлик, иложи борича оилавий ўрмончиликни қайтадан тиклайлик.

Дунё ўрмончилиги тажрибасига таяниб бизда ҳам ўрмончилик уч томонлама ривожланиши мумкин.

1. Давлат ўрмон хўжалиги.
2. Жамоа ўрмон хўжалиги.
3. Шахсий оилавий «ўрмон»чилик.

Ариқлар, йўл ёқаларига, шаҳар кўчалари бўйлаб экилган асосан бир қатор дарахтларни ўрмон дея олмаймиз. Сийрак ва бир қатор экилгани учун тарвақайлаб кетиб, қурилиш учун ярамайди ҳам. Улар шунчаки манзара учун экилган дарахтлар сирасига киради. Агар биз ростдан ҳам ўрмончилик билан шуғулланишни истасак, аввало нима қилмоқчимиз, қанақанги эҳтиёжларимизни қондирмоқчимиз — ҳаммасини аниқлаб олишимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, мақсадимиз фақат чанг, тўзон, шамоллар йўлини тўсиб табиатимизни юмшатиш, соя-салқинликлар яратишми ёки ёғоч саноати учун хом ашё олишми — мақсад нима? — шундан келиб чиқишимиз керак.

Ўрмончиликнинг ўзи ҳам асосан икки хил — ҳар хил навлар аралаш экилган ўрмончилик ва махсус бир хил навнинг ўзидан ташкил топган ўрмонлар. Уларнинг агротехникаси, озиқлантириш, кесиш тартибларигача ҳар хил. Ҳар бирнинг ўзига хос афзаллик ва нуқсонлари бор. Масалан, аралаш ўрмон ҳар хил касалликларга чидамли. Томир отиш, ер бағрини юмшатиш қалинлиги турлича бўлиб ҳаётчанлиги билан ажратиб туради. Бир хил навлардан ташкил топган ўрмонлар эса бирдан ёппасига бир касалликка учраши мумкин. Аммо, уларни даволаш, озиқлантириш, ҳимоя қилиш йўллари эса бир хил ва қулайроқ. Айтайлик, бирон хўжалик қурилиш материалларига муҳтож. Унга ҳар хил навлардан бўлган аралаш ўрмон керак эмас. У ёппасига оқ терак экиши ҳам мумкин. Унга бошқа навларни аралаш экиш шарт эмас. Улар меъёрига етгач ёппасига кесиб, кейин қайтадан ёппасига терак ёки бошқа хилини, балки бутунлай бошқа экинларни экишлари мумкин. Ёки биз дарёводда ўрмон тикламоқчимиз, у доим савлат тўкиб туриши керак. Бу борада биз аралаш ўрмонни бунёд этганимиз маъқул. Кераклларини кесиб, ўрнига янгисини пешма-пеш тиклайверамиз. Бирон нав касалланганида ҳам бошқалари омон қолади. Ўрмончилик ҳар қандай касб сингари доимийликни, қунт билан бош қотиришни талаб этади. Бу ишнинг жонкуярлари, билимдон саркорлари бўлиши лозим.

Дарё қирғоқларини ўрмонлаштириб биз ҳар томонлама ютамиз. Аввало, ўз ўрмонимиз, ёғочимиз бўлади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, табиий иқлимимизни яхшилаймиз. Табиатдаги биологик модда алмашишида ўрмоннинг ҳоссаси катта. Ўрмон сув оқимини, атмосферани тартибга солиб туради, сув ва ҳавони фильтрлаб тозалайди, булоқларнинг кўзини очиб дарёларга жон киритади, қишда совуқ шамолга, ёзда гармселга қалқон бўлиб табиатимизни юмшатиб, алоҳида муҳит яратади, дарёларимизни, тупроғимизни шамол эррозиясидан, бўғланишдан асрайди. Шовқинни тўсиб, асабларимизни қўриқлаб, бизга ором бағишлайди. Ўрмонга бой халқлар соғлом, дадил, йирик бўлади. Ўрмонсиз, табиати қашшоқ халқларнинг бахтли бўлишига ишонмайман. Инсон ҳаётини умуман ўрмонсиз тасаввур қилиш қийин. Ўрмон ва ўсимликлар билан тирик бу дунё. Кислородсиз бирон тирик жон яшай олмайди. Саҳро кишилари ҳам ўсимликлар дунёси, ўрмон етиштирган (шамол қанотида учиб келган) кислород ҳисобига яшайди. Фаннинг аниқлашича, бир гектар ўрмон йил давомида икки тонна углеродни ютиб, ўн миллиард куб-метр ҳавони кислород билан таъминларкан. Бир гектар қарағай ўрмон бир йилда 35 тонна чангни қайтаради. Ўрмон табиатимизнинг ўпкаси, ажойиб неъмати. У ҳаётнинг ўзидек мукаммаллик, бойлик, гўзаллик рамзи. Ҳаммаси ўрмон номли баҳодирнинг каромати. Биз эса унинг бошида болтани гала-гала айлантириб юрибмиз. Табиий, табиатда нималардир эскиради, емирилади, синтезлашиб, нималардир янгидан яратилади. Тинимсиз бу жараён ўрмончиликда ҳам давом этади. Бу жараённинг ўз табиий қонунлари билан давом этиши бошқаю, инсон ўзининг ваҳшиёна тажовуз кучини ишга солиши бошқа. Ишқилиб, инсоннинг ўзига инсоф берсинда. Акс ҳолда ўзи ҳам табиатнинг бир қисми бўла туриб ёвуз қилмишлари туфайли... ҳай-ҳай, даҳшатли сўзларни айтмай қўя қолайлик.

Ўрмон яратганлар уни ҳимоя қила билишлари ҳам керак. Хўжакўрсинга дабдабали сўзлар билан ўрмон бўла қолмайди. Нима экиш, қандай ва қаерга экиш... хуллас, ўрмончилик маданиятини эгаллаб иш кўришга тўғри келади. Шундай қилиб, аввало, астойдил ишлаш керак. Биздаги мавжуд қонунлар тортмадан чиқиб ҳаётга йўл олиши шарт.

5.

Ўрмончилик халқимиз учун янгилик эмас. Бу унинг қадимги касби. Аммо, пахта яккаҳокимлиги туфайли қирғинга учраган ва бутунлай унутилган соҳа. Ўрмончиликни фанимиз ҳам унутган. Кутубхоналарда бўлиб каталогларни излаб овора бўлманг. Ўрмончилик билан астойдил бош қотирган биронта ўзбек олимининг асарини топишингизга кўзим етмайди. Рости, бу соҳада номи чиққан биронта атоқли олимимиз ҳам йўқ. Бўлганида 1926 йилдан бери бўлиб ўтган тўққизта дунё ўрмончилик конкурсига ҳеч бўлмаса биронта ўзбек олими қатнашмасмиди? Эътиборга арзийдиган бирон илмий ишимиз ҳам йўқдирки, бизни ҳеч ким эсламайди. Ҳатто, фан штабимиз ҳам унга умуман қўл силтаб қўя қолган кўринади. Ҳаммасини ўйласанг, томогингда муштдай нарса тугун бўлиб туриб қолади...

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ерга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, сув манбаларининг борган сари жиддий тус олиши, тобора авж олиб бораётган урбанизация ўрмончиликнинг ҳимоя вазифасини ҳам олдинги ўринга қўймоқда. Ўрмон темир, цемент, катакчаларда биқиб ётган инсон ҳаётига файз бериб бағрига нур бағишлайдиган ягона восита бўлиб қолди. У инсон ҳаётига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Унга бўлган эҳтиёж яна ҳам ошиб бораверади. Ўрмончилик ҳам деҳқончиликнинг ҳар қандай турн сингари уруғчиликдан, кўчатлар етиштиришдан, саралашдан бошланади. Халқ селекцияси оқ теракнинг ёнига буталамай қарағайга ўхшаб тикка ўсадиган ажойиб навларни яратган. Мен бундақа теракларни Жиззах вилоятининг «Бахмал» давлат хўжалиги шахсий ҳовлиларида учратганман.

Самарқанд вилоятининг Иштихон, Каттақўрғон, Оқдарё, Челак районларида, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб, Қамашининг Чим қишлоғида дид билан экилган теракларни кўриб «Э, экса бўларкан-ку» деб ич-ичимдан қувондим. Булар ҳозирча ишнинг бошланиши... Ўрмон яратиш учун катта-кичик имкониятлар қариб ҳамма вилоят, районларимизда бор. Фақат жиддий ҳафсала қилмоқ керак, холос. Дарахтларимизнинг ичида намга чидамликда, қаттиқликда эман, тилоғочдан қолишмайдиганлари бор. Қоратолимизга болта, арранинг тиши ўтмайди. Секин ўсади, лекин ёғоч эмас, пўлат. Жаннати мева берадиган тутимиз сув балчиқ ичида 40 йил ётиб ҳам чиримайди. Бора-бора қора мармарга айланади. Она тупроғимиздаги тенги йўқ бойликларимизни билмаймиз ёки қадрига етмаймиз. Чўпдори иморатлар қилганимизда так синчга қора тол, арча, тутни ишлатинг-чи, юз йилда ҳам «инк» дермикан.

Қурилиш учун болорлар олишда терак, қора тол, қарағай кўпроқ иш беради. Бироқ, бизга фақат болорлар эмас, пол, дераза, стул, столлар ҳам керак. Терак, қоратол, арча бу ниятларга унчалик мос тушмайди. Йўниш, рандалаш учун қарағай, чинор, тут, зардоли анча устунликларга эга. Тут, зардоли, ўрик дарахтини мева олиш учун эмас, ёғоч олиш учун зич экиб синаб кўришимиз мумкин.

Ўрмонларни экиш тартибида ҳам ишкал катта. Қандай экиш, агротехник комплексини белгилаш — олимларимизга ҳавола. Фақат шу нарсага аминмизки, биз қурилиш эҳтиёжлари учун ёғоч олмоқчи бўлсак, сийрак экиб тарвақайлатиб ўстириш йўлидан боролмаймиз. Бизга ёнига эмас, бўйига тикка осмон сари ўрлаган, буталаб кетмаган кўзсиз дарахтлар керак. Масалан, тўрт бурчак квадрат шаклида оралиғини 50—60 сантиметрдан қилиб экилса нечук бўларкан? Табиий, бизни тез пишар дарахтлар кўпроқ қизиқтиради. Саҳий табиатимиз туфайли шимолий минтақаларда 70—80 йилда пишиб улгаядиган дарахтлар бизда 15—20 йил ичида бемалол вояга етиши мумкин. Бироқ унутилган, хўжалик ташвишларимиз ҳисобидан бутунлай чиқариб ташланган соҳага қайтадан жон киритиш енгилми? Қийин, бироқ, бошқа иложимиз йўқ. Мадад, эҳсон кутиш, кўз тикиб яшаш психологияси мустақиллигимиз, маданиятимиз учун хатарли. Акс ҳолда эски изга тушиб қолишимиз мумкин. Ҳар хил важлар топилиб маданий ҳаётимиз жиловланиб, қолипга солиб турилди. Нашр этиш ҳуқуқи ўзимизда бўлмади. Фақат «қоғоз йўқ»нинг ўзи ҳам бизни муте қилиб, жойимизга ўтиргизиб қўйиши ҳеч гап эмас. Биз ўз эҳтиёжимиз ҳақида оқилона ўйламасак келажакда яна ҳам жиддийроқ вазиятларга дуч келишимиз эҳтимолдан холи эмас.

Изланайлик, мудраб ётган имкониятларимизни ишга солайлик! Кутиш, сажда қилиб яшаш даврмиз диди эмас. Даврмиз ишчанлик ва тадбиркорликни, мардлик ва садоқатни кўпроқ ёқтиради.

Биз олдинда ўрмончиликнинг қанақанги истиқболлари кутаётганлиги ҳақида сўз юритишдан сақланамиз. Сақланиш умид узиш эмас. Яқин келажакда жонажон Ватанимизнинг ям-яшил ўрмонлар қучоғида сўлим жувондай безаниб, тузаниб, сайқал бериб ётган кунларнинг келишига

КИМКИ БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ ИСТАСА, МАРҲАМАТ!

Бизнинг мақсадимиз қуйидаги Низомда ифода этилган

«ЭЛ»
ХАЛҚАРО УЮШМАСИ
ایل خلقارا یوشمه سی

„E L“
International
Association

Ўзбекларнинг «Эл» халқаро уюшмаси

НИЗОМИ

I. Умумий қондалар

I/1. Ўзбекларнинг «Эл» халқаро бирдамлик уюшмаси (кейинчалик «Эл» уюшмаси) Ўзбекистон жумҳуриятида, бошқа жумҳуриятларда ҳамда хорижий мамлакатлардаги Ўзбекларнинг холис ихтиёрий уюшмасидир.

I/2. «Эл» халқаро уюшмаси бирор сиёсий мафкуравий оқимга мансуб бўлмаган, давлат ёки сиёсий партия манфаати учун хизмат қилмайдиган, Ўзбекистон жумҳурияти қонунлари, халқаро ҳуқуқнинг умумий қондалари ва ушбу Низом асосида фаолият кўрсатадиган уюшмадир.

I/3. «Эл» халқаро уюшмаси харажатини ўзи қоплайдиган, ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган, алоҳида мулки, мустақил кириш-чиқиш нисбати (баланси) бўлган ҳуқуқий шахс ҳисобланиб, банк муассасаларида жорий ҳисоби ва бошқа ҳисоблари, шунингдек Ўзбекистон жумҳурияти ташқи иқтисодий банкида валюта ҳисобига, хорижий мамлакатлар банкларида ҳам ҳисобига эга бўлиши мумкин.

I/4. «Эл» халқаро уюшмаси ўз тимсоли тасвирланган ва номи ёзилган думалоқ муҳрга, бурчакли муҳрга, бланкага, рамзий байроқчага, шартли тасвирга ва бошқа рамзий белгиларга эга.

«Эл» халқаро уюшмасининг макони — Тошкент шаҳри.

II. «Эл» халқаро уюшмасининг мақсад ва вазифалари

2/1. «Эл» халқаро уюшмасининг асосий мақсади:

Ватандаги ва хориждаги қону-қариндошларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш; турли мамлакатлардаги ватандошлар орасида маданий маърифий ишларни олиб бориш, уларни ватандаги ва хориждаги ўзбеклар (туркистонликлар)нинг ҳаёти, тарихи, тили ва адабиёти, маданияти, миллий санъати, урф-одатлари билан мунтазам таништириш; чет эллардаги ўзбеклар (туркистонликлар) учун ўқув китоблари, дарсликлар чоп этиш, видеофильмлар чиқариш; хориждаги юртдошларимизнинг Ўзбекистонга зиёрат ёки тижорат масалалари билан ёки муқим яшаш учун келишларига имкон яратиш; чет эллардаги ғайри сиёсий жамғармалардан истифода этиб, ўзбеклар (туркистонликлар)нинг хорижда ўқишлари учун, шунингдек, хориждаги туркистонликларнинг Ўзбекистон жумҳуриятида таҳсил олишлари учун кўмаклашишдан иборатдир.

2/2. Уюшма ўз номидан хориждаги ватандошларга Ўзбекистонда шарт-шароит яратиш, юртларига қайтишга кўмаклашиш ва уларнинг турли ижтимоий, шахсий масалаларини ечишда асосий воситачилиқ вазифасини бажаради.

2/3. «Эл» халқаро уюшмаси ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун Ўзбекистонда, бошқа жумҳуриятларда, вилоят ва ноҳияларда, хорижий мамлакатларда ваколатхоналарини очиши мумкин.

2/4. «Эл» халқаро уюшмаси мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган муассасалар, корхоналар, нашриёт, ойнома ва рўзномалар ҳамда қонунда таъқиқланмаган бошқа корхоналарни ташкил этиши мумкин.

2/5. «Эл» халқаро уюшмаси мақсад ва вазифаларини бажариш борасида давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ҳамда бошқа жамоа бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади.

III. «Эл» халқаро уюшмасининг аъзолари ва уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

3/1. «Эл» халқаро уюшмасига жамоалар ва алоҳида шахслар аъзо бўлиши мумкин.

3/2. «Эл» халқаро уюшмасига унинг низомини тан оладиган, унинг фаолиятида иштирок этадиган, кириш ва аъзолик бадалларини тўлайдиган муассаса, ташкилот, бирлашма, корхона, ширкатлар, илм даргоҳлари, Ўзбекистон жумҳурияти, бошқа жумҳуриятларнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари, чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ихтиёрий равишда киришлари мумкин.

3/3. Уюшмага кириш ҳақидаги ариза уюшма раҳбарияти томонидан уюшманинг жойлардаги ваколатхоналари раҳбарий идоралари томонидан кўриб чиқилади ва аъзоликка қабул қилинади.

3/4. Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— уюшма аъзоларининг йиғилишларида, мажлисларида ҳал қилувчи овоз билан қатнашиш;

— уюшманинг раҳбарий идораларига сайлаш ва сайланиш;

— уюшма идораларига мурожаат қилиб, унинг фаолияти ҳақида ахборотлар олиш;

— уюшма корхоналаридан, муассасаларидан, ташкилотларидан мумкин бўлган зарурий ёрдам олиш.

3/5. Уюшма аъзоларининг вазифалари:

— уюшма Низомига риоя қилиш;

— аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб туриш;

— уюшма фаолиятида фаол қатнашиш;

— уюшма раҳбарияти топширган вазифаларни ўз вақтида бажариш;

— уюшма мол-мулкини асраш.

IV. «Эл» уюшмасининг тузилиши

4/1. «Эл» халқаро уюшма ҳисобланиб, унинг ташкилотлари вакиллар тавсияси билан сайлаб қўйиладиган ҳайъатлардан ва ҳайъат вакилларидан ташкил топадиган Кенгашдан иборат бўлади. Кенгаш бир йилда бир маротаба чақирилади.

4/2. Маҳаллий ҳайъатлар жумҳуриятларда, вилоят ва ноҳияларда тузилиши мумкин.

4/3. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи уюшма ҳайъати томонидан белгиланади.

4/4. Уюшма Кенгаши тафтиш комиссиясини тузади ва унинг низомини тасдиқлайди.

V. Уюшманинг пул маблағлари ва мулки

5/1. Уюшманинг пул маблағлари:

— жамоа ташкилотларидан ва алоҳида шахслардан олинадиган кириш бадали ва аъзолик бадалидан;

— жамоа ташкилотлари ва шахслар эҳсонларидан;

— ўзи томонидан таъсис этилган корхоналар, ширкатлар ва бошқа соҳалардан тушадиган даромадлардан;

— уюшма томонидан ташкил этиладиган турли тадбирлардан;

— ўз жамғармаси, акцияларидан келадиган даромадлардан ташкил топади.

5/2. Уюшманинг пул маблағи, акциялари, қийматли қоғозлари унинг мулки ҳисобланади. Уюшма мулкида бинолар, уй-жой, маданий-маърифий, соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига ишлатиладиган асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар бўлиши мумкин.

5/3. Уюшма мулкига уюшма ҳайъати эгалик қилади.

VI. Уюшма фаолиятининг тугатилиши

6/1. «Эл» халқаро уюшмаси ўз фаолиятини уюшма Кенгаши қарорига асосан ва Ўзбекистон қонунларида белгиланган тартибда тугатиши мумкин.

НИЗОМГА ШАРҲ

«Эл» халқаро уюшмаси Ўзбекистон Жумҳурияти адлия вазирлиги тарафидан 1991 йил 17 июлда рўйхатга олинди. Жумҳурият ярим мустамлака ҳолатида турган пайтда ҳеч қандай давлат ёки партия манфаатига бўйсунмайдиган халқаро уюшманинг барпо қилиниши ҳар жиҳатдан ижобий ҳодиса бўлди. Мақсад Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги ватандошларимиз билан маданий, маърифий, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, моддий ва маънавий қувватларини Ўзбекистоннинг равнақ топишига йўналтиришдан иборатдир.

Ўтган бир неча ой мобайнида Америка, Германия, Туркия, Саудия Арабистони ва Афғонистонда «Эл» халқаро уюшмасининг ваколатхоналарини очиш борасида дастлабки ишларни қилдик. Бундай ваколатхона Андижонда ишга тушди, яқин кунларда Ўш ва Кўқон шаҳарларида ҳам очилиши керак. Бунда биринчи галда чет эллик ватандошларимизнинг аксарияти асосан Фарғона водийси билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олдик. Ваколатхоналар дастурда белгиланган соҳалар бўйича ишлайди.

Энди дастуримизда баён этилмаган аъзолик шарт-шароитлари ҳақида қисқа ахборот берсам. Дастурда айтилганидай уюшма маблағи уюшма қошида ташкил этиладиган корхоналардан тушадиган даромадлардан ва уюшмага аъзо бўладиган алоҳида шахслар, жамоа ташкилотларидан йиғиладиган аъзолик бадаллари, ҳайриялар алоҳида жорий ҳисобда бирор тийини сарфланмаган ҳолда сақланади. Маълум вақтдан кейин махсус комиссия иштирокида бу фонд очилиб, «Эл» халқаро уюшмасининг алоҳида ҳайрияси билан қўшилган ҳолда, фонд қайси шаҳарда йиғилган бўлса, ўша шаҳарнинг ободончилиги ёки бирон бир мактаб ёки шифохона қурилишига сарфланади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жамоадан йиғилган маблағнинг бир тийинини ҳам уюшма ишлатмайди. Уюшмага аъзо бўладиган алоҳида шахслардан кириш бадали 5 сўм, 25 сўм миқдорида йиллик аъзолик бадали олинади, кекса фуқаролардан олинадиган аъзолик бадали бир йилга 10 сўм миқдорида белгиланган. Жамоа ташкилотларининг кириш ва аъзолик бадали миқдорини ҳайъат мажлиси белгилайди.

Хуллас, айни пайтда уюшма тикланиш жараёнида. Ички ва ташқи алоқаларни тиклаш, муносабатларни шакллантириш, амалга оширадиган ишларимизни аниқлашдан ташқари миллатимизнинг бирлигини таъминлайдиган бир неча муҳим масалани Ўзбекистон ҳукуматига тақдим қилдик. Шулардан биттаси йиғирманчи йилларда, иккинчи жаҳон уруши ва афғон—совет уруши йилларида ғайриихтиёрий равишда ва турли сабабларга кўра муҳожирлик азобини бўйнига олган ватандошларимизнинг ҳаммасига ҳеч қандай эътироз ва даъво қўймаган ҳолда авфи умумий эълон қилиш масаласидир. Умид қиламизки, мабодо Ўзбекистон ҳукумати ва парламент аъзолари мана шу масалани бартараф қилса, қабул қилиши ёки қабул қилмаслигидан қатъи назар, чет давлатларда яшаётган миллатдошларимиз учун Ўзбекистон Жумҳурияти фуқаролиги масаласи жорий қилинса, яна бир катта муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Шавкат РАҲМОН,
«Эл» халқаро уюшмасининг вице-президенти.



«СИНО» ЯНГИЛИКЛАРИ

Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи бугунги кунда «Сино» ижарачилик корхонаси деб номланмоқда. Бу ерда янги икки камерали холодильникни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда. Тажриба намуналари саноат синовидан муваффақиятли ўтди.

Яна бир янгилик — ажойиб конструкциядаги хона вентиляторини ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Иғувчи-чилангар Фазилат Сафарова корхонанинг янги маҳсулотини намойиш этмоқда; 2. Корхона цехларида жўнатишга тайёрланган холодильниклар.

Р. ҒАФУРОВ олган суратлар (ЎзТАГ).



УСКУНАЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Яқинда Фарғона шаҳрида гўшт комбинатининг икки қаватли биноси фойдаланишга топширилди. 8-қурилиш трестининг қурилиш-монтаж жамоаси бинокорлари томонидан шу кун талаблари асосида барпо этилган ушбу янги корпус энг сўнггги техника ускуналари билан жиҳозланди.

Эндиликда бу ерда бир кеча-кундузда 43—44 тонна колбаса, қази-ҳасип, ярим фабрикат маҳсулотлари тайёрлаш имкониятига эга бўлинди. Ҳозир цех бўлимларидаги кўпгина жараёнлар механизациялашган агрегатлар ёрдамида амалга оширилаётир. Ишчилар бундай ускуналарни Ленинград илмий-тадқиқот ва конструкторлик илмгоҳи мутахассислари билан ҳамкорликда ишга туширишди.

Айни пайтда комбинатнинг бошқа цех ва участкаларида ҳам меҳнат жараёнлари такомиллаштирилиб, замонавий қулай автомат ускуналар ўрнатиш давом этяпти. Яқин вақт ичида корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки бараварга кўпайтириш ва шу тариқа Фарғона вилояти аҳолисини гўшт-ёғ, колбаса, қази-ҳасип ҳамда ярим фабрикат маҳсулотлари билан таъминлашни бирмунча яхшилаш, кўзда тутилмоқда.

Т. ҲАМИДОВ,
Фарғона вилояти.

• СПОРТ •

Ўзбекистонни шарафлаганлар

Жаҳон миқёсида, хусусан собиқ СССР тўғрасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этган спортчиларимизнинг 1991 йил якунлари ҳам саҳрисоб қилинди. Спорт мутахассислари билан журналистлар биргаликда жаҳон спорт майдонларида ва мамлакат миқёсида қизғин ва муросасиз баҳсларда иштирок этиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси спорт шарафини ҳимоя қилган энг кучли спортчилар номларини аниқладилар.

Маълумки, Ўзбекистонда спортнинг кураш турига алоҳида аҳамият берилади. Боксчи, полвонлар беллашувига қизиқиш катта. Зеро, оммавийлик йўлга қўйилган жойда маҳоратли спортчилар сафи ҳам кенгайиб боради. Биз буни ўтган йилнинг энг кучли спортчилари сафида уч нафар полвоннинг борлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи, Феруз Аъзамовни мухлислар яхши билишади. Чаққон ва чапдаст самбочи йигит Исроилда ўтказилган Европа чемпионатида ғалаба қозонган эди. Кейин 68 килограммли бу полвон СССР халқлари Х спартакиадасида устози А. Абдувалиевнинг ишончини оқлади. Урганчлик Раҳим Машарипов ҳам иқтидорли самбочилардан. У 57 килограмм вазнли полвонлар сафида майдонга тушиб келмоқда. Рустам Йўлдошевнинг бу шогирди ҳам Исроилда қитъа чемпионатида қатнашиб, кумуш медалли бўлган. Моҳир дзюдочи Шуҳрат Ғофуровни ким танимайди, дейсиз. Тошкентлик бу динамочи ҳам Европа чемпиони бўлган. Спартакиадада биринчи ўринни эгаллаб, олқиш олган. Бу полвонга мутахассислар умид билан қарашмоқда. Шуҳрат Ғофуровнинг нияти 1992 йили бошланадиган Олимпиада мусобақаларида иштирок этиш.

Оғир атлетика ҳам полвонлик баҳслари доирасига киради. Чунки зил-замбил тошни муаллақ кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Спортчиларимиз бу борада ҳам муваффақиятли куч синашдилар. Игорь Содиқовнинг Европа ва жаҳон чемпиони бўлишида отаси С. Содиқовнинг хизмати катта бўлди. Спортнинг мазкур турини ривожлантиришга ҳисса қўшганлар орасида Сергей Сирцов ҳам бор. 90 килограмм вазнли полвон ҳам жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлиб, кўпчиликни мамнун этди. Спартакиада ва мамлакат чемпионати олтин медалларини қўлга киритиб, издошлари сафини кенгайтиришга йўл очди.

Фристайл спортнинг эндигина оммавийлашиб келаётган турларидан ҳисобланади. Момиқ қор билан қопланган қияликларда, чанғи учиб, мураккаб акробатик машқларни бажаришда спортчимиз Василина Семенчук маҳорат кўрсатди. Дмитрий Ковуновнинг бу шогирди жаҳон чемпиони бўлди.

Республикамизда боксга қизиқиш бениҳоя катта экани сир эмас. Ҳозир ўлкамизда машҳур спортчи Руфат Рискиевнинг издошлари кўпайиб бормоқда. Тошкентда ўтказилган халқаро ўсмирлар мусобақасида шу нарса кўпроқ аён бўлди. Йил якуни бўйича энг кучли боксчилар рўйхатига Артур Григорьян киритилди. У Австралияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори, спартакиада чемпиони Мамлакат кубоги соҳиби бўлган.

Шунингдек, батутда сакраш бўйича жаҳон кубоги эгаси, Европа чемпиони Дмитрий Поляруш, спорт гимнастикачилари Оксана Чусавитина билан Роза Галиевалар ҳам спорт йилининг энг кучли йигит-қизлари сафидан ўрин олишди. Бир сўз билан айтганда, мустақил республикада жисмоний тарбия ва спортга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани ва яқин келажакда ўлкамиз спорт шарафини халқаро миқёсда Ўзбекистон Давлат байроғи остида астойдил ҳимоя қилувчилар янада кўпаяди, деб дадил айтиш мумкин.

Ҳ. НОСИРОВ.

• Ёднома

ЯХШИ ДЎСТИМИЗ БОР ЭДИ

Заркокил қуёшдай нур
сочиб турган,
Чаманлар оралаб
қувониб юрган,
Номи инсонликка
тантана қурган,
Меҳрибон оналар
умр қуёши
Юраги бир жаҳон,
нур тўла боши.

Бу мисралар Юсуфжон Ҳамдам қаламига мансуб. Ёзилганига 30 йил бўлишига қарамай, унда ҳозирги кунимиз ҳароратининг ўз тафти тургандай. Ўзбек адабиётини бир улкан чинорга қиёс қилган киши, унинг бўй-бастини қуршаб турган, нав-ниҳолларсиз тасаввур қила олмайди.

Биз Юсуфжон Ҳамдам билан кўпдан-кўп сафарларда бирга бўлганмиз. Бир дастурхондан таом еб, тузнамак тотганмиз.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, баъзи бир ўртоқларимизнинг қадр-қиммати оламдан ўтгандан кейингина кўпроқ билинар экан. Бу ўринда Юсуфжон Ҳамдамнинг ҳожатбарорлиги, меҳрибонлиги одамларга фақат яхшиликни раво кўриши каби фазилатлари, айниқса, унинг ўлимидан кейин кўпчилик дўст-ёронларга аниқ билинди.

Биз унинг бу фазилатини дафн маросимида, қабри тепасида ҳам гапирганмиз, ҳозир ҳам гапириб юрамиз. Чунки яхшидан от қолар экан.

Шоир сафарда юришни жуда хуш кўрарди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар бир райони, ҳар бир кўча, ҳар бир даҳа, қолаверса, ҳар бир хўжалик унга беш бармоқдек таниш эди. Ана шу сафарларнинг маҳсули ўлароқ қатор шеърлар, очерклар, лавҳалар ёздики, улар шоир ижодида муносиб из қолдирди. Шу нуқтаи-назар билан шоир ижодига қарасак ўз фикримизни тасдиқлаган бўламиз.

Ўттизинчи йилларнинг охирида, эсимизда бор, «Дўмбоғим» номли бир қўшиқ жуда машҳур бўлиб кетган эди. Қўшиқни кўп хонандалар ўз репертуарига киритган бўлиб аксари қўшиқсеварлар уни завқ билан куйлар эдилар. Оналар алла куйига солиб бешик тебратишарди. Фарзандларни қўшиқда куйлангандек, Ватан қўриқчиси, фидойи инсон бўлишга чорлашарди. Бу қўшиқ сўзини биз ҳозир тилга олаётган шоиримиз Юсуфжон Ҳамдам ёзган эди.

Юсуфжон Ҳамдам 30 йилдан зиёд ижодий меҳнат билан машғул бўлди. Бу давр мобайнида шоир бир неча ҳикоя, очерк ва шеърий тўпламлар нашр эттирди. Унинг шеърлари ва очеркларида республика пахтакорларининг қайноқ ҳаёти, ишчилар меҳнати, соф инсоний муҳаббат тилга олинади. Кўпгина шеърлари қўшиққа айланиб, радио, телевидение ва концерт ташкилотларининг репертуаридан кенг ўрин эгаллайди. Ҳозир ҳам унинг қўшиқлари радио тўлқинларида янграб туради.

Юсуфжон Ҳамдам ҳамиша ҳаётдан умидвор бўлиб яшади. У эртанги орзу, эртанги истиқболнинг рўёбга чиқишини кўзлаб меҳнат қилди ва ижод қилди. Буни биз «Фарзанд» деган шеърида яққол кўрамиз:

Фарзанд! Бу умрнинг
илк баҳорида
Келажакни кўзлаб
ўстирилган гул.
Умидли кўнгиллар
тонготарида

Ота-оналарнинг файзи,
бахти ул.

Шеърнинг «Йиллар армуғони» номли сўнггги тўпламига жам қилинган шеърлари, унинг ҳақида китобхонга тўла тасаввур бера олади. Балки ҳозир ҳаёт бўлганида биз қатори ўз ўқувчиларига қатор тўпламларини яна армуғон этармиди?

Биз ҳамиша унинг ижодий муваффақиятига тилакдош бўлиб келганмиз. Шу муносабат билан ушбу ёдномани ёзишга азму қарор қилдик. Хуллас, яхши дўстимиз бор эди.

Манон ҒАНИ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Мақоланинг қалам ҳақини болалар фондига ўтказишни сўрайман.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 349 745 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 4

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.